

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

390 Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Рухий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш ишларини янада такомиллаштириш, республика психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизматининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, психиатрия муассасаларини бошқариш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ягона методик вертикалини назарда тутовчи психиатрия хизматининг ушбу тизимини шакллантириш 2017 йилга бориб тугалланади.

2. Қуйидагилар:

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати янада ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ;

2013 — 2017 йилларда психиатрия муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг асосий параметрлари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

2013 — 2017 йилларда психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг асосий параметрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, психиатрия муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек уларни тиббиёт асбоб-ускуналари, ихтисослаштирилган мебеллар ва инвентарлар билан жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратилиши назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантиришда психиатрия муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосланган ҳисоб-китоблари ҳамда манзилли рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда тақдим этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда «Ўзтиблойиҳа» МЧЖ билан биргаликда — реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган психиатрия муассасалари объектларига нисбатан қўйиладиган мавжуд санитария меъёрлари ва қоидаларини қайта кўриб чиқсин, уларда аҳолига кўрсатиладиган даволаш-профилактика ёрдамнинг сифати ва мақбуллиги жиҳатидан тасдиқланган талабларга мувофиқ бўлишининг таъминланишини назарда тутсин.

5. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига — республика психиатрия муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи функцияси;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларига — вилоят ва туман (шаҳар) психиатрия муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича буюртмачи функцияси юклансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда психиатрия муассасалари беморлар контингентини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш даврида бошқа муассасаларга вақтинча ўтказиш ва жойлаштириш жадвалини ишлаб чиқсинлар,

* 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

бунда тиббий ёрдамнинг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини таъминла-синлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг психиатр врачлар ва уйда беморларга хизмат кўрсатувчи ўрта тиббиёт хо-димларига узлуксиз иш стажи давомийлиги учун устаманинг энг юқори миқдорини 2014 йил 1 январдан бошлаб тариф ставкасининг 20 фоизидан 30 фоизигача ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, психиатрия муассасалари ходимлари тариф ставкала-рига қўшимча ҳақ миқдори оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат бюджетининг қўшимча харажатлари соғлиқни сақлаш муассасаларининг тармоқлари ва беморлар ўрни фондини мақбуллаштириш ҳисобига қопланади.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 июль,
207-сон

Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизматининг ташкилий ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ: Психиатрия хизматини тасдиқланган ташкилий тузилмага мувофиқлаштириш режалаштирилган таъмирлаш-реконструкция қилиш ишлари тугалланишига қараб 2017 йилгача амалга оширилади.

Белгилар: яхлит чизиқ — услубий раҳбарлик;
пунктир чизиқ — услубий ёрдам ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 25 июлдаги 207-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизматини
янада ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Кутилаётган натижа
Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш							
1.	Касб фаолиятининг айрим турларини ва руҳий фаолияти бузилиши оқибатида хавфнинг юқори манбаи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун тиббий монеликлар рўйхатини тасдиқлаш.	2013 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касб фаолиятининг айрим турларини ва руҳий фаолият бузилиши оқибатида хавфнинг юқори манбаи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун тиббий монеликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси.	Содир этилиши мумкин бўлган ижтимоий-хавфли ҳатти-ҳаракатларнинг, шу жумладан ўз жонига қасд қилишларнинг олдини олиш.
2.	Психиатр врачлар ва беморларга уйда хизмат кўрсатувчи ўрта тиббиёт ходимларига узлуксиз иш стажининг давомийлиги учун узлуксиз иш стажининг дастлабки уч йили учун ва кейинги ҳар икки йили учун тариф ставкасининг 10 фоизи миқдориди, устаманинг энг юқори миқдори 30 фоизгача бўлган тариф ставкаларига устамалар белгилан.	2014 йил январь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	475,3 млн сўм	Бажарувчиларнинг маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.	Психиатр врачлар ва беморларга уйда психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи ўрта тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ишга рағбатини ошириш.
3.	Даволаш, профилактика ишлари ва руҳий касалликларни барвақт аниқлашнинг вертикал интеграциялаштирилган тизимлари шакллантирилишини таъминлаган ҳолда психиатрия хизматини самарали бошқариш механизмининг назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш.	2013 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг психиатрия хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги буйруғи.	Психиатрия хизматини бошқаришни такомиллаштириш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Қутилаётган натижа
4.	Даволашнинг янги авлод фармакология препаратларини амалиётга жорий этган ҳолда руҳий касалликларга чалинган беморларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2013 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг психиатрияда диагностика ва даволаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи.	Стационарда даволаш мuddатларини мақбуллаштириш, тўлақонли ремиссияларга эришиш, беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш.
II. Руҳий касалликларнинг олдини олиш, барвақт ташхис қўйиш ва даволашнинг самаралилиги чора-тадбирларини такомиллаштириш							
5.	Руҳий касал ва ҳулқ-атвори бузилган болаларни барвақт аниқлаш ва даволаш натижаларини яхшилаш, психиатр мутахассисларнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари, туғруққа ёрдам бериш, педиатрия, скрининг-марказлар, мактабгача ва умумтаълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмни такомиллаштириш йўли билан «хавф гуруҳи»га кирувчи болаларни профилактик кузатиш ва соғломлаштириш.	2014 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	Илк босқичларда чегарадош асаб-руҳий патологияли болаларни аниқлашга, ташхис қўйишга ва даволашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар. Хизматларнинг туғруқ комплекслари, неонатологик бўлимлар, болалар даволаш-профилактика бўлимлари ва болалар мактабгача ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш.	Руҳий фаолияти ва ҳулқ-атвори бузилган болаларни барвақт аниқлаш ва даволашни яхшилаш.
6.	Психиатрия муассасалари ҳузурдаги даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) устахоналарини тиклаш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш.	2014-2015 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	86,4 млн сўм	Бажарувчиларнинг маблағлари	Психиатрия муассасалари учун асбоб-ускуналар сотиб олиш ва уларни тиклаш; маҳсулотларни тайёрлашга буюртмаларни ва уларнинг сотиш учун имтиёзли шарт-шароитларни шакллантириш.	Руҳий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахсларга нисбатан жамиятда ҳаётга қайтишга ва уларнинг меҳнатга лаёқати ошишига кўмаклашувчи меҳнат терапияси усулларини қўллаш.
7.	Аҳоли орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги, содир этилган ўз жонига қасд қилиш ва ўз жонига қасд қилишга уринишлар тўғрисидаги ахборотни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва соғлиқни сақлаш органлари ўртасида ўзаро айирбашлаш механизмни ишлаб чиқиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг амалий мониторинги олиб борилишини таъминлаш.	2014 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» фонди, Дин ишлари бўйича қўмита	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	2015 — 2017 йилларда аҳоли орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича идоралараро дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Аҳолининг ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳулқ-атвори даражасини пасайтириш.
8.	Бошқа стационарларга борган ҳолда ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга кеча-кундуз маслаҳат берилишини таъминлаш.	2014 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	815,6 млн сўм	Бажарувчиларнинг маблағлари	Барча психоневрология диспансерлари штатига ўз жонига қасд қилишга уринишларни даволовчи врач лавозимини жорий этиш.	Ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга даволаш-маслаҳат ёрдами бериш ишларини яхшилаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Қутилаётган натижа
9.	Рухий касалликларнинг тарқалганлиги, дастлабки намoн бўлиши ва уларни даволаш имкониятлари тўғрисида аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш чора-тадбирлари.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» фонди, «Қамолот» ЁИХ	37,0 млн сўм	Бажарувчиларнинг маблағлари	Ушбу масалага бағишланган учрашувлар, суҳбатлар, маърузалар, давра суҳбатлари ўтказиш, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар уюштириш, мақолалар эълон қилиш. Аҳолининг турли қатламлари учун минтақавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш.	Психиатрия хизмати вазирларига ва руҳий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахсларнинг заиф контингенти эҳтиёжларига жамоатчилик эътиборини жалб этиш, руҳий саломатликни муҳофаза қилиш хизматида аҳолининг ишончини ўстириш.
10.	Жамоат ташкилотлари, жамғармалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш асосида руҳий фаолияти бузилган одамларга уйда ёрдам бериш механизмларини такомиллаштириш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» фонди, «Қамолот» ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	100,0 млн сўм	Бажарувчиларнинг маблағлари	Маҳаллий ҳамжамиятлар даражасида ҳукуматга қарашли бўлмаган нодавлат ташкилотлари томонидан руҳий касалликларга чалинган беморларга ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш.	Рухий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш.
11.	Замонавий усулларни жорий этган, шу жумладан руҳий-ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда руҳий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахсларнинг ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлари комплекс профилактикаси усулларини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш.	2014 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги	-	Бажарувчиларнинг маблағлари	Рухий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахсларнинг ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатларининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг қўшма қарорини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Рухий фаолияти бузилишидан азоб чекувчи шахслар томонидан ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлар профилактикаси бўйича соғлиқни сақлаш ва ички ишлар органлари ишини тартибга солиш.
12.	Озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларига мувофиқ ихтисосли стационарларда руҳий беморларнинг овқатланиши рационини яхшилаш.	2013 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	Бюджет маблағлари доирасида	Озиқ-овқат маҳсулотларининг тасдиқланган меъёрларига мувофиқ руҳий беморларнинг овқатланишини бюджетдан молиялаштиришни босқичма-босқич кўпайтириш.	Психиатрия муассасалари мижозларининг овқатланиш рационини яхшилаш. Кўшимча касалликларни камайтириш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Қутилаётган натижа
III. Психиатрия хизматининг юқори малакали кадрлар билан таъминланганлигини яхшилаш, психиатрия соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш							
13.	Олий ўқув муассасалари кафедралари негизда магистратура ва клиник ординатура орқали психиатрия бўйича бошланғич ихтисослаштиришдан ўтиш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	364,7 млн сўм	Бюджет маблағлари доирасида	Тиббиёт олий ўқув муассасалари кафедраларида умумий даволаш тармоғининг камида 70 нафар врачнинг магистратура ва клиник ординатурадан ўтишини таъминлаш.	Психиатрия хизмати мутахассислари етишмовчилигини тўлдириш.
14.	Психиатр врачлар малакасини ошириш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	48,3 млн сўм	Бюджет маблағлари доирасида	Тошкент врачлар малакасини такомиллаштириш институти кафедралари негизда, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларининг врачлар малакасини такомиллаштириш факультетларида ишлаётган психиатр-врачларнинг ҳар йили камида 20 фойзининг малака ошириш циклларида ўтишини таъминлаш.	Психиатрия хизматининг малакали мутахассисларини тайёрлаш минтақавий даволаш-профилактика муассасалари психиатрларининг олий ўқув муассасасида кейин ўқитиш билан қамраб олиншини кўпайтириш.
15.	Тошкент врачлар малакасини такомиллаштириш институтининг психиатрия ва психотерапия кафедралари негизда базавий тиббий маълумотга эга бўлган врачлар учун психиатрия бўйича ихтисослаштириш курсларини (даволаш ва педиатрия иши) ташкил этиш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	12,0 млн сўм	Бюджет маблағлари ва ҳомийлар маблағлари доирасида	Умумий даволаш тармоғининг базавий тиббий маълумотга эга бўлган 20 нафар врачнинг психиатрия бўйича ихтисослаштиришдан ўтиши учун ҳар йили квоталар белгилаш.	Амбулатория-психиатрия хизмати мутахассислари етишмовчилигини тўлдириш.
16.	Профилактика, диагностика ва даволашнинг устувор йўналишлари бўйича психиатрия соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Грант тадқиқотлари учун бюджет маблағлари	Психиатрия хизматини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ илмий тадқиқотлар мавзуларини тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш.	Рухий фаолият бузилишларини даволаш самардорлигини ошириш.
17.	«Суд-психиатрия экспертиза»си мутахассислиги бўйича экспертларни олий ўқув муассасасидан кейин тайёрлаш ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2014 йил 1 чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқ ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Юқори малакали давлат суд эксперт-психиатрларини тайёрлаш.
IV. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш							
18.	Психиатрия муассасаларини таъмирлаш-реконструкциялаш ишларини амалга ошириш.	2014 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси	165 220,0 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	2014 — 2017 йилларда реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрларига мувофиқ мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда психиатрия муассасаларининг таъмирлаш-реконструкциялаш ишларини ушбу қа-	Психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш. Рухий фаолият бузилган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Кутилаётган натижа
			Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари		жамғармаси маблағлари	роғра 2 ва 3-иловаларга мувофиқ босқичма-босқич бажариш.	
19.	25 та психиатрия муассасасини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш).	2014-2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	3399,9 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари	Психиатрия муассасаларини уларнинг жиҳозлаш табелига мувофиқ замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш.	Психиатрия муассасаларининг даволаш-диагностика ишларини яхшилаш.
V. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш							
20.	Врачлар малакасини ошириш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникаларида «психиатрия» ва «психотерапия» ихтисосликлари бўйича қисқа ва узоқ муддатли курсларда ўқитиш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	80,0 млн сўм	Халқаро молия институтлари ва ҳомийлар маблағлари	Мутахассисларни тузилган шартномалар бўйича етакчи хорижий мамлакатлар клиникалари ва институтларига юбориш.	Психиатрия хизматини ташкил этиш, диагностиканинг янги методларини жорий этиш, руҳий патологияли миждларни даволаш масалаларида халқаро тажрибани жорий этиш.
21.	Илмий ишланмаларнинг замонавий жаҳон тажрибасини мамлакатимиз амалиётига жорий этиш мақсадида психиатрия бўйича халқаро ташкилотлар ва етакчи илмий марказлар билан шерикликни мустаҳкамлаш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари	Халқаро конгресслар, съездлар, семинарлар, «давра суҳбатлари»да қатнашиш.	Руҳий фаолият бузилишларини ташхис қилиш ва даволашнинг замонавий методларини жорий этиш.
22.	Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги руҳий саломатликни муҳофаза қилиш стратегияларини ўрганиш ҳамда уларни республика психиатрия хизмати фаолияти шароитларига мослаштириш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	-	Бажарувчилар ва шериклар маблағлари	Олинган натижалар асосида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида, руҳий саломатликни муҳофаза қилиш стратегияси бўйича таклифлар ишлаб чиққан ҳолда аҳолининг руҳий соғлигини даврий популяция текширувларидан ўтказиш.	Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда республика аҳолисининг руҳий соғлигини муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Руҳий ва хулқий бузилишларнинг тарқалувчанлигини баҳолаш бўйича маълумотнома-таҳлилий материал тайёрлаш.
23.	Боку шаҳрида Европа Минтақавий Бюросининг 61-ҳар йилги сессиясида 2011 йил 12 — 15 сентябрда тасдиқланган Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа декларациясини ҳамда «Интеллектуал имкониятлари чекланган болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги» Харакатлар режасини амалга оши-	2013-2014 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	-	Бажарувчилар ва шериклар маблағлари	Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа декларациясини ҳамда «Интеллектуал имкониятлари чекланган болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги» Харакатлар режасини амалга оши-	Болалар ва ўсмирларнинг руҳий ва соматик саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми	Кутилаётган натижа
	ва ўсмирлар ҳамда улар оилаларининг саломатлиги» Ҳаракатлар режасини амалга ошириш.					риш бўйича республика ҳаракатлар стратегияси ва режасини ишлаб чиқиш.	
24.	Хукуматга қаршли бўлмаган халқаро ташкилотлар иштирокида етакчи психотерапия клиникалари билан шериклик муносабатларини ўрнатиш.	2013 — 2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	40,0 млн сўм	Бажарувчилар ва шериклар маблағлари	Хорижий мамлакатларнинг етакчи психотерапия клиникалари мутахассислари иштирокида психотерапия бўйича илмий конференциялар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш.	Хорижий мамлакатларнинг етакчи психотерапия клиникалари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда аҳолига психотерапия ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш.

Умумий сумма — 167 279,3 млн сўм ва 3399,9 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма.